



Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



Journal of Academic Research and
Trends in Educational Sciences
(JARTES)

VOL. 2, ISSUE 1

ISSN 2181-2675

[www.ijournal.uz](http://ijournal.uz)

DEVELOPMENT OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN UZBEKISTAN TODAY

A. Aspetullayev¹

Yu. Sultamuratov²

Karakalpak State University

KEYWORDS

Progress, physical and mental health, national pride, pride, national physical education

ABSTRACT

Comprehensive work is being done to ensure the future of our country and to realize all our noble goals of raising a highly moral, all-rounded generation.

2181-2675/© 2024 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: [10.5281/zenodo.12510509](https://doi.org/10.5281/zenodo.12510509)

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Karakalpak State University, Nukus, Uzbekistan

² Karakalpak State University, Nukus, Uzbekistan

ҲОЗИРГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШИ

KALIT SO'ZLAR/**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:**

Тараққий, жисмоний ва маънан соғлам, миллий ғурури, ифтихори, миллий жисмоний тарбия

ANNOTATSIYA/АННОТАЦИЯ

Юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркомол авлодни вояга етказиш ватанимиз келажагини таъминлаш ва барча езгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги давр педагогикаси ушбу масалани ҳал этишда шахснинг ягона ва бутун моҳиятига, унинг ҳаётининг барча томонлари: ақлий, ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик томонларининг узвийлигига асосланади. Мана шу жамият жиҳатларнинг уйғун ривожланишини шахснинг чиникам камол топиши ва тараққиётнинг асосий шартидир.

Тараққий этиб, улғайиб бораётган ўқувчилар билими ва образли таъсирлар тизими орқали кишиларга, Ватанга, меҳнатга, моддий-маънавий бойликларга нисбатан бўладиган тўғри муносабатни сингдириб олади.

Спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўғилқизларимизнинг жисмоний ва маънавий камолотини таъминлаш билан бирга улар орасидан халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли ёш спортчиларни етишиб чиқишига хизмат қилмоқда. Буни мамлакатимизга ташриф буюриб, юртимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳатлар ва ўзгаришларнинг гувоҳи бўлган халқаро спорт фидерациялари раҳбарлари ҳам алоҳида таъкидлашмоқда. Шу ўринда юқари натижаларни қўлга киритаётган спортчиларимиз халқаро турнирларда ва мамлакатимизда ташкил этилаётган ўқув машғулот йиғинларинда қатнашиб, ўз тажрийбаларини янада оширишмоқда.

Бундай йиғилишларда маъданият ва спорт – мақсадлари муштарак эканлиги, мамлакатимизда миллий санъатимиз ва спорт соҳасининг барча йўналишларининг изчил ривожлантириш, моддий техник базасини янада мустаҳамлаш, спортчиларимизнинг эркин ва самарали машғулотларини олиб боришлиари учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, маданият, санъат ва спорт даргоҳларини юқари малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига доимий эътибор қаратилаётганлиги, бу борада қабул қилинган зарур қонун ҳужжатлари миллий маданиятимиз ва санъатимиз ҳамда спортивизнинг жадал ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда жисмоний ва маънан соғлам, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қататилмоқда. Зеро, юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркомол авлодни вояга етказиш ватанимиз келажагини таъминлаш ва барча езгу мақсадларимизни рӯёбга чиқаришнинг муҳим омилидир. Бу олижаноб мақсад йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оила, оналик ва болаликни муҳофоза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, таълим тизимини янада такомиллаштириш каби йўналишлардаги изчил ислоҳатлар ўзининг юксак самарасини бериб келмоқда. Фарзандларимизни юксак билимли ва заковатли, жисмоннан бақувбат инсонлар этиб камолга етказишнинг бош омили-болалар спортини ривожлантириш масаласиҳам давлатимизнинг доимий дикқат марказида бўлиб келмоқда.

Ўзбек замини қадимдан буюк алломалар, полвон ва паҳлавонлар юрти ҳисобланиб келган. Халқимиз ўзининг миллий ғурури, ифтихори, меҳмондустлиги билан бошқа миллатлардан тубдан фарқ қиласди. Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари давомида спорт соҳасида дунёning ривожланган мамлакатлари қаторидан жой олиши замирида катта меҳнат ётади. Кўплаб маҳоратли спортчиларимиз халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритишиб, ўзбек халқи дунё халқларига ўзлигини намоён қилди. Бунда, албатта, ҳар бир спортчи томонидан қўлга киритилган ғалаба, бутун ўзбек халқи ғалабаси тимсолида намоён этилади.

Тарихга бир назар ташласак, Ўрта Осиё ҳудудларида инсоният шаклланганига тахминнан ярим миллион йил бўлди. Ибтидоий жамоа давриданоқ инсон ўзини ҳимоя қилишга, яшаш учун курашишга ҳамда ов қилишга мажбур бўлган. Бунинг учун, албатта, у онгизз равишда жисмоний машқлар ва жисмоний ҳаракатлар бажарган. Яшаш учун кура шва жамиятда ўз урнини топишга интилишда жисмоний тарбия ва жисмоний ривожланганликнинг аҳамияти катта бўлган.

Ўрта Осиё давлатларининг ижтимоий иқтисодий ҳаёти ва тараққиёти кўплап ҳорижий мамлакатларни қизиқтирган ҳамда уларнинг таъсирида бўлган. Маҳаллий халқ ва элатлартарихини ўрганиш, уларнинг урф-одатлари, байрамлари, анъаналари маънавий ва маданий ёдгорликлари, халқ турмиш тарзи, қабилалар ўртасидаги муносабатлар, уруғчилик алоқалари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсалари, ҳунармандчилик, дехқончилик ва чорвачилик, савдо алоқалар, ер ости бойликлари, табиий бойликлар, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, халқнинг жанговорлиги, уларнинг қурол яроғ турлари ва жанг усуллари ҳақида малумотлар йиғиш ва ўрганиш мақсадида ҳорижий саёҳатчилар ва олимлар бу мамлакатларга кела бошлаганлар.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё халқлари қадимдан ўзининг жисмоний баркамоллиги ҳақида доимо қайғуриб турибдики, Ўрта Осиё халқлари қадимдан ўзининг жисмоний баркамоллиги ҳақида доимо қайғуриб борган. Жисмоний тайёргарлик воситаси бўлиб хизмат қилган. Маънавий ва маданий меросларимизни ўрганиш ва қайта тиклаш ёш авлодни ҳамда

халқимизнинг жисмоний маданиятини янада құтаришда бош омил бўлади, деган умиддамиз.

Республикамизда «Миллий спорт турлари ва миллий халқ ўйинлари» бўйича бир-қанча фестивал, илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Миллий жисмоний тарбия тизимини яратиш борасида атрофлича илмий - изланишлар амалга оширилмоқда. Ёш авлодни баркамол шахс сифатида шакллантириш ва тарбиялашда миллий ўйинлар ва миллий жисмоний тарбия тизимини ривожлантиришига катта эътиборберилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортни ёшлар ва аҳоли ўртасида оммалаштириш бўйича кўпгина вазифалар белгиланган. Республиканинг барча худудларида ва «Буюк ипак йўли» йўналишлари бўйича миллий ўйинлар ва жисмоний тарбияяга оид этнографик тадқиқотлар ташкил қилиш. Миллий жисмоний тарбия ва спорт тизимини шакиллантиришни кенг ташкил этиш. Аҳоли ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтириш. Миллий халқ ўйинлари бўйича адабиётлар ахборот воситаларини кенг ривожлантириш.

АДАБИЁТЛАР:

1. "Олий таълим муассаси кафедралари тўғрисида"ги Низом. 02.12.2011й.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқадиров А., Пардаев А. «Таълимда инновацион технологиялар». Истеъдод, 2008.
3. Азизхужаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.-Т.: ТДПУ, 2013.
4. Вахобов Ф., Республика илмий-анжуман материаллари. Т.: -2013 й.
5. Арзиев А.С. Технология организации самостоятельного обучения рисованию. Т.: -2023 г.